№52
2006 I-VI

ҲАР БИР ХОНАДОНГА: ТИНЧЛИК, ХОТИРЖАМЛИК, ҚУТ-БАРАКА!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 1 январ, якшанба № 1 (2050)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, дўстларим, биродарларим!

Мана шу файзли ва шукуҳли дақиқаларда барчангизни янги - 2006 йил билан қизғин муборакбод этаман ва сизларга қалбимдаги эзгу тилакларимни, самимий меҳр ва ҳурматимни билдиришдан бахтиёрман.

Янги йил арафасида, табиийки, барчамиз якунига етиб бораётган 2005 йилнинг ўзимиз ва оиламиз, халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, моҳиятини беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Ҳеч шубҳасиз, ўтиб бораётган йил эл-юртимиз ҳаётида чуқур из қолдираётган йил бўлиб қолиши муқаррар.

Ўтган вақт мобайнида эзгу мақсадларимиз сари - юртимизда барқарорликни сақлаш, ҳаётимизни янгилаш, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган асоратлардан воз кечиш, демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин ва барчамизга тенг имкониятлар яратиб бераётган иқтисодиётимизни ривожлантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида янги қадамлар қўйдик.

Мамлакатимиз тараққиётининг мезони бўлмиш ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, юртдошларимизнинг мулкка эгалик ҳиссиётини кучайтириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес ва фермерлик ҳаракатига равон йўллар, кенг имтиёзлар очиб бериш, тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли турмуш-тарзини обод этиш ва коммунал хизматни тартибга солиш каби масалаларда амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда.

Бунинг тасдиғини мамлакатимиз ривожида, аввалambor иқтисодиётимиз барча етакчи соҳа ва тармоқларининг барқарор ўсиш суръатларида, юртимизга кенг кўламда кириб келаётган инвестиция ва сармояларда, замон талабига жавоб берадиган янги корхона ва ижтимоий иншоотлар, лицей ва коллежларда, бошқатдан қурилган ва таъмирланган мактаб ва шифохоналаримизда, улкан ободончилик ишларимизда - мухтасар қилиб айтганда, шаҳар ва қишлоқларимиз, бугунги ҳаётимизнинг қиёфаси кундан-кунга очилиб бораётганида кўриш қийин эмас.

Айниқса, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида қўлга киритган юксак марраларимиз, албатта, барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Бу ҳаракатларимизнинг пировард натижаси аҳолимизнинг реал даромадлари жорий йилда қарийб 22 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоиз ўсишида намоён бўлди.

Албатта, якунига етиб бораётган йил биз учун осон бўлмади. Кундалик ҳаётимизда, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда кўпгина қийинчиликларга дуч келдик.

Ёвуз мақсадларни кўзда тутиб уюштирилган тажовузкор террорчи чиқишларни бартараф этишга, юртимизга қарши четдан ташкил қилинган ҳамла, бўҳтон ва туҳматларни бошимиздан кечиришга тўғри келди.

Яратганимизга минг шукроналар бўлсинким, мана шундай ўта таҳликали ва оғир вазиятда биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, ғаразли хуруж ва офатларни енгишга эришдик.

Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатидан қайтариш, бизни кимгадир қарам қилиш ҳаракатлари беҳуда, пуч эканини намоён этдик.

Қадрли дўстлар!

Кириб келаётган янги йилда биз истиқлолимизнинг ўн беш йиллик қутлуғ тўйини нишонлаймиз, яъни, шарқона ҳикматга кўра, айни навқиронлик, балоғат палласига қадам қўямиз.

Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик ва саховатлилик, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди.

Биз миллий қадриятимиз бўлган бундай пок туйғуларни доимо асраб-авайлашимиз, азиз фарзандларимизни ҳам шундай эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашимиз керак.

Юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган 2006 йил айнан шу каби юксак интилиш ва ҳаракатларга ундайди. Ишонаманки, бундай даъват шу мўътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз қалбидан чуқур жой топади.

Шу маънода, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.

2006 йил давлат бюджетида белгилаб қўйилганидек, ишчи ва хизматчиларнинг умумий иш ҳақи, шунингдек, стипендия, пенсия ва нафақалар миқдорини 33 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Яқинда қабул қилинган қарорларни инобатга оладиган бўлсак, ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақи, индексацияни қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 1,5 марта ортади.

Буларнинг барчаси халқимизнинг кундалик ҳаётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши, янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши шубҳасиз, албатта.

Табиийки, бундай юксак мақсадларга эришишнинг асосий шарти ва гарови - аввалambor ўз юртимиз ва хонадонларимизда тинчлик ва барқарорликни асраш, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ эканини, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз зарурлигини ён-атрофимиздаги, дунёдаги мураккаб вазият яққол кўрсатиб турибди.

Муҳтарам юртдошларим!

Мана шу қувончли лаҳзаларда бетакрор диёримизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида янги йилни катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон аҳлини яна бир бор чин қалбимдан қутлайман.

2006 йил барчангизга, сиз, қадрдонларимга бахт ва омад олиб келсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Янги, 2006 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари жаҳонда тинчлик ва осойишталик, халқимизга бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу истаклари битилган самимий қутловларни йўллаганлар.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан қуйидаги мазмунда табрик хати олинди:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Кириб келаётган Янги йил муносабати билан энг эзгу ва самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Тугаб бораётган йилда Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигини ривожлантиришда бир қатор муҳим йўналишлар бўйича катта тараққиётга эришилди. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартноманинг имзоланиши икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг янги истиқболларини очиб берган том маънодаги эътиборли ҳодиса бўлди.

Ишончим комилки, аниқ мақсадга йўналтирилган изчил саъй-ҳаракатларимиз Россия ва Ўзбекистон халқлари фаровонлиги, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва кучайтиришга хизмат қилади.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик, олиб бораётган фаолиятингизда муваффақиятлар, қариндош ва яқинларингизга бахт-саодат ва фаровонлик, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан ва унинг рафиқаси Нане Аннан;

Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов;

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов;

Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко;

Қирғизистон Республикаси Президенти Қурмонбек Бакиев;

Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезерлардан ҳам самимий тилаклар билдирилган табрикномалар келди.

Янги йил байрами арафасида Марғилон шаҳрида 825 ўқувчига мўлжалланган янги академик лицей фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари, касб эгаллашлари учун зарур барча шароит яратилмоқда. Буни қуриб, фойдаланишга топширилаётган кўплаб янги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда мактаблар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

Янги академик лицейнинг очилишида сўзга чиққанлар ёшларимиз учун яратилаётган бундай кенг имкониятлар фарзандларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларида, эл-юрт равнақида муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидладилар. Кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга миннатдорлик билдирдилар.

- Шаҳримизга кўрк бағишлаган мазкур академик лицей Марғилоннинг 2000 йиллик тўйи олдидан ажойиб туҳфа бўлди, - деди академик лицей директори Махмуджон Шохўжаев.- Лицейимизда ўқувчилар яхши таълим ва тарбия олишлари учун барча шароит яратилган. Улар бу ерда 4 йўналиш бўйича билим оладилар.

Лицейнинг очилишида Фарғона вилояти ҳокими Ш.Нурматов иштирок этди.

(ЎзА)

ЮЗ ЁШЛИЛАР ДУОСИ – ЭЛ МУДДАОСИ

Мустақил Ўзбекистонимизда кўплаб юз ёшдан ошган табаррук инсонлар умргузаронлик қиладилар. Уларнинг бой ҳаётий тажрибаси катта бойлик. Доно маслаҳатлари, ўгитлари ҳамиша бизга аскотади. Кувончлиси шуки, нуронийлар ҳамиша ўзларини сафда деб билиб, савобли ишларга бош-қош бўлмоқдалар.

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

106 ёшли Пўлат бобо ЖАЛИЛОВ
Яккабоғ туманида «Хўжаилғор» маҳалласи

давоми 2-бетда

Мустақиллик кунларини кўриш насиб этганидан, меҳрибонларим оғушида яхши ҳаёт кечираётганимдан бахтлиман. 106 ёшга кирган бўлсам, 14 йилдан буён ҳақиқий инсонлардек ҳаёт кечираяпман. Эндиликда арғамчига қил қувват, деганларидек, маҳаллалардаги тадбирларда баҳоли қудрат қатнашиш, ёшларни Ватанга меҳр-муҳаббатли, садоқатли фарзандлар этиб тарбиялашга озми-кўпми улуш қўшаяпман.

Ўтган йиллар ичида шаҳару қишлоқларда жуда катта ўзгаришлар бўлди. Айниқса, одамлар онги-шууридаги янгиланишлар кишини қувонтиради. Ўғил-қизларимиз ғайратли, мақсад сари дадил интилувчан, давр масъулиятини чуқур ҳис қилишаяпти. Улар орасидан ажойиб тадбиркорлар етишиб чиқаётгани — биз кекса авлод вакилларини ғоятда қувонтиряпти.

Ўзим ҳам фермерлар кўпайсин, дея ният қиламан. Чунки, улар дастурхонимизни тўкин-сочин қилаётган фидойилардир. Яна бир чети тадбиркорлар савобли ишларга маҳкам бел боғлашган. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да барчалари катта режани олдиларига қўйиб ғайрат қилишяпти. Ҳомийлар кўпаймоқда. Фикримча ҳомийлик фақат ўз бойлигидан бир қисмини хайр-эҳсон учун ажратиш эмас, закот ҳам эмас. Балки, ҳомийлик инсон юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодасидир. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари жуда яхши гапларни уқтирдилар.

Яқинда болалар уйида бўлдик. Саховатли, олийҳиммат ҳамқишлоқларим ўнг қўл берганини, чап қўл билмасин, қабилида иш юритиб саховат кўрсатишибди. Қанчалар яхши. Муҳтож оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга мурувват кўрсатаётганлар асло кам бўлмасин. Зеро, янги — 2006 йилда бу борада қиладиган ишларимиз кўп.

ХОҲИШНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ

107 ёшли Ўғил момо СЕВАРОВА,
Қарши туманидаги «Дашт» қишлоғи

Ёшлигим далада ўтди. Афсуски, умр бўйи оила аъзоларим билан деҳқончилик қилган бўлсак-да, биримиз икки бўлмади. Торгина уйда уч-тўрт оила қимтиниб яшадик. Баъзида ўйлардим, ўз она Ватанимизда яшасагу уй-жой қуриш учун ерга зор бўлсак. Собиқ шўро давридаги нотўғри сиёсат туфайли йиллар мобайнида қишлоқларимиз қандай бўлса шундайлигича қолди.

Мустақилликдан айланай, инсондек яшаш, ишлаш, обрў-эътибор қозониш бахтига мушарраф бўлдик. Меҳрибон Президентимиз барча қатори биз — фахрийлар ҳақида ҳам алоҳида меҳрибонлик кўрсатиб келмоқда. Ўзимизга яратилаётган имтиёзлардан фойдаланяпмиз. Беш-олти йил ичида пенсиям неча бор ошди. Маҳаллий ҳокимият томонидан ҳам катта эътибор бўляпти. Тумандаги, қишлоқдаги бирор тадбир бизларсиз ўтмайди. Ҳатто замонавий, камчиқим, бир қанча қулайликлар қўлланилган, қоларли қилиб ўтказишда ҳам ижодий ёндашиб, янгиликларга эришдик. Ёшлар она, эл-юрт равнақи учун қанчалар улуғланаётганлигидан бошимиз осмонда. Мамлакатимиз бош майдонида Эзгулик арқаси бунёд этилганлиги ҳам фикримни тасдиқлайди. Бу ерга қадам ранжида қилган инсон ҳаётга муҳаббат, фарзандининг келажагига ишонч балқиб турган ёш ўзбек аёли тимсолини кўриб ғурурланади.

Яқинда қишлоғимизда 100 ёшдан ошган инсонларни улуғловчи тадбир бўлиб ўтди. Ана шу шодиёнага хушманзара йўл бўйлаб борарканман, юртимиз тинчлик, ободлик ва ривожланиш йўлидан собит қадамлар билан бораётганлигига иймон келтирдим. Дейдиларки, янги йил кунларида кўнгилдан ўтказган барча ниятлар рўёбга чиқади. Ният битта: она Ўзбекистонимиздан қут-барака аримасин, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат доимий бўлсин.

ЭНГ КАТТА САВОБ

109 ёшли Жумагул момо ОМОНОВА,
Нишон туманидаги «Гулистон» қишлоғи

Тоғли Деҳқоноботнинг Қаршина қишлоғида вояга етдим. Одамларимиз алп келбат, ғурурли, омилкор инсонлар. Қишлоқнинг ўзига хос анъаналари бор. Масалан, янги йил байрами нишонланаётган кунларда кураш мусобақасига зўр берилади. Қўшни қишлоқдан бизнинг полвонлар билан беллашадиган талабгорлар келиб қолса давра янада кенгаяди. Кураги ерга тегмаган полвонларимиз кўп. Хонадонда фарзанд туғилса унинг саломатлиги, баркамол бўлиб вояга етишиши ҳақида алоҳида қайғурилади. Бунда биз каби нуронийларнинг тажриба ва ўгитлари асқотмоқда.

Меҳнат қилган асло кам бўлмайди. Масалан, тўнғич фарзандим Рўзибой ҳозир 72 ёшда, кенжам Мирзабой 63 да. Узоқ умр кўриш сирлари ҳақида сўрашганида, кўнгилни тоза қилиб, сидқидилдан меҳнат қилинг, маржон-маржон тер тўкишнинг, доим ҳаракатда бўлишнинг фойдаси катта, дейман.

Шу ўринда савобли ишларга бел боғлаган саховатпеша инсонлар ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Шундай ҳикоя қилишади, чекка қишлоқларнинг бирида муштипар она ёлғиз ўғли билан яшарди. Хонадон кишилари бошига кўп ташвишлар тушди. Эри ва тўнғич фарзандидан бевақт айрилган аёл табиийки анчайин қийин аҳволда қолди. Ёлғизини уйлантираман деганида чамаси қўли калталик қилди. Буни сезган ажойиб қалб соҳибларидан бири рўмолчага ўралган «бир нима» ташлаб кетибди. Шунинг ҳисобидан тўй бўлиб ўтди. Орадан бир йил ўтгач ўғил фермерликка қўл уриб, ўзини тутиб олди. Ана энди она-бола энг керакли пайтда қўллаб-қувватлаган инсонни дуо қилиб юришибди. Ўйлайманки, дуо олган асло кам бўлмас.

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ»

жажжилар юрагига эзгулик ёғдусини олиб кирди

Истиқлол йилларида мамлакатимизда эзгу ишлар кўп ва хўб бўлаётир. Бу Президентимизнинг савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилмоғи керак, деган даъватига амалий жавобдир. Айниқса аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатлами, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчиларига алоҳида эътибор ва меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Ҳар бир байрам арафасида бу каби инсонлар ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Ана шу байрамлар ичида бир байрам борки, уни болажонлар орзиқиб кутадилар. Бу Янги йил Арча байрамидир. Болажонлар ушбу шодиёнани интиқ кутишларининг сабаби Янги йил арафасида улар учун "Президент арчаси" тантаналари ташкил этилиб, Юртбошимиз совғалари топширилишидадир.



Куни кеча, пойтахтимизнинг байрамона безатилган муҳташам "Туркистон" саройида барча болажонлар учун севимли ва ардоқли бўлиб қолган анъанавий "Президент арчаси" тантаналари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ташкилотчилигида ўтказилган ушбу шодиёнага Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар, хизмат вазифасини ўтаётган



чоғида ҳалок бўлган инсонларнинг фарзандлари, маҳаллаларда яшовчи отаонасини йўқотганлар, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди. Худди шу куни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам "Президент арчаси" шодиёналари кўтаринки руҳда ўтди.

Муҳташам саройга кираверишданоқ ўғил-қизларни карнай ва сурнай садолари остида эртак қаҳрамонлари иззат-икром билан кутиб олдилар. Ичкарида уларни сарой саҳнига ўрнатилиб, кўзни қамаштирувчи чироқлар нурига чўмилган асосий арча атрофида Қорбобо, Қорқиз қаршилади. Ажойиб арча атрофидаги томошалар, болажонларни зукколик ва доноликка ундовчи топишмоғу ўйинлар барчага олам-олам завқ-шавқ бағишлади. Севимли санъаткорлар Самандар, Ирода Дилроз, "Божалар" гуруҳи ижросидаги гўзал қўшиқлар барчани рақсга чорлади.

— Бугунги байрам болажонлар қалбида эзгу ҳислар уйғотди, - дейди Халқ таълими вазирлигининг маънавий-маърифий тарбия Бошқармаси бошлиғи Жамолиддин Фозилов. – Ушбу тадбирдан пойтахтимизнинг ҳар бир маҳалласида яшовчи эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари ҳам четда қолмадилар. Ҳар бир туман маҳаллаларидан "Президент арчаси"га таклиф этилган болаларнинг келиб кетишлари учун махсус автобуслар ажратилди. Шуниси аниқки, жажжи қалбларга кўрсатилган меҳр келгусида албатта ўз мевасини беради.

Арча атрофидаги тантаналардан сўнг байрам иштирокчиларига "Томоша" болалар театр студияси томонидан саҳналаштирилган "Бир, икки, уч – дўстликдадир куч" номли ажойиб эртак намойиш этилди.

Президент совғаларини олган болажонлар қувончи ичига сиғмасди:

Президент арчаси,
Истиқлол туморчаси...

М.ЎРМОНБЕКОВА

Йиллар мазмуни

Жиззах вилоят босмахонаси очиқ хиссадорлик жамияти раҳбари Сафар Турсунов касаба уюшма ташкилоти раиси Шавкат Пардаев билан доимо кенгашиб ишлашга одатланган. Уларнинг бу галги суҳбати ходимларнинг меҳнати ва дам олиш шароити, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашдаги ҳақиқий аҳвол ва бу борадаги айрим муаммолар ҳақида кечди. Касабақўм раиси ўз навбатида уларнинг ечими ҳақида ўзининг аниқ ва лўнда таклифларини баён этди. Раиснинг бу талаблари зое кетмади. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти бир қарорга келгач, зарур ҳужжат расмийлаштирилиб, унинг ижросига киришилди.

СУЛОЛА

Корхонада жами 37 киши меҳнат қилади. Ҳар бир меҳнат кишисини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш касаба уюшма ташкилоти ва унинг фаоллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бунинг учун энг аввало локал ҳужжат — жамоа шартномаси ва унинг ижросига диққат-эътибор билан қаралади. Махсус комиссия доимий мониторинг ишларини олиб боради.

Пировард натижада босмахона жамоаси бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни йил сайин ривожлантира бориб, ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошира бориш ҳисобига кучайтиришга эришмоқда.

Ўтган йил давомида 110 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишчи-хизматчиларга 13 миллион 500 минг сўм иш ҳақи сифатида тарқатилди. Ходимларни моддий рағбатлантиришга 2 миллион 700 минг сўм, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 3 миллион 500 минг сўм маблағ сарфланди. Умумий соф даромад 25 миллион 400 минг сўмни ташкил этди.

Даромадга қараб буромад, деганларидек, жамоа шартномасида белгиланган бандлар тўлиғича бажарилишига эришилмоқда. Меҳнат таътилига чиқаётган ходимга шу жамоадаги иш стажига қараб моддий ёрдам пули бериб борилмоқда. Бунда ходимга меҳнат таътили иш ҳақи сақланган ҳолда 3 — 5 кунга узайтирилаяпти. Бундан ташқари, кўп йиллик ва узлуксиз хизмат қилиб келаётган ходимларга устама ҳақ тўланаётир.

Узоқ йиллар мазкур корхонада самарали ишлаб, ҳозирда пенсияда бўлган Икром Мақсудов, Босбуви Мақсудова, Аня Жўраева, Файзи Шукурова, Фотима Холматова сингари фахрийлар маъмурият ва касаба уюшма фаолларининг доимий эътибори ва эъзозида. Бундай фахрийлар фақат байрамлардагина йўқланиб қолмай, моддий таъминотларидан ҳам мунтазам хабар олиниб турибди. Яқинда корхона жамоаси юқори босма цехи ишчиси Али Пардабоевнинг 50 йиллик тўйини ҳамда шу жамоада иш бошлаганининг 30 йиллигини кенг нишонлади.

Ёш шогирд Акмалжон Мақсудов шундай деди:


— Аввало «Мақсудовлар» сулоласини давом эттираётганимдан фахрланаман. Отам ва онам 40 йилдан ортиқ умрларини полиграфия соҳасига бағишлаб кам бўлишмади. Устозим Али аканинг ҳаёт йўли ҳам биз ёшларга ўрнак бўлиб қолиши шубҳасиз. Бундай эсда қоларли тадбирларни ўтказишга бош-қош бўлиб келаётган корхонамиз маъмурияти ва касаба уюшма фаолларининг ўзаро ҳамжиҳатликда ишлашлари кўнгилларни чоғ этмай қолмайди. Касаба уюшмасининг корхонада ўз мавқеи ва ўрни борлигини меҳнат муносабатларининг жамоа шартномаси орқали назорат қилинишида ҳам яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, жамоа шартномасига меҳнат можароларини ижобий ҳал этиш, ходимларнинг хавф-хатарсиз ишлашини таъминлаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, касб касалликларидан ҳимоя қилишга қаратилган махсус бандлар киритилган. Унда меҳнат муҳофазаси бўйича иш берувчи билан касабақўмнинг мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган.

Қабул қилинаётган қарорлар қанчалик мазмундор бўлмасин, амалиётга жорий этилмаса, ҳаммаси бир пул. Иш берувчи ва касабақўмнинг бу борадаги якдиллиги қўл келиши шубҳасиз, албатта. Жамоада техника хавфсизлиги, иш жойларини аттестациядан ўтказиш бўйича ойликлар, кўриктанлов, давра суҳбатлари ташкил қилиш яхши йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, ходимларнинг эртанги кундан кўнгиллари тўқ. Мавжуд цехлар ҳаво босимини мўътадиллаштириб турадиган кондиционерлар билан таъминланган.

Касабақўм иш берувчи билан ижтимоий шериқчилик муносабатларида инсон омилига алоҳида эътибор бермоқда. Бу эса ўз навбатида корхонада ишлаб чиқариш суръатларини ошириш баробарида меҳнат кишисининг даромади ортиб, янада фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаётир.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири



Тадбир МУРУВВАТ халқимизнинг азалий одати

Турли байрамларда кам таъминланган ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос азалий одат. Мана шундай тадбирлардан бири Сурхондарё вилоят Бойсун туманидаги 12-сонли Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтди. Яқинлашиб келаётган Янги йил муносабати билан бу ерга туман ҳокими Э. Бойниёзов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. Эргашёв, вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Кенгаши раиси Х. Досов ва бошқалар ташриф буюриб, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Президент совғаларини топширишди.

Тадбирда санъаткорлар ўзларининг куй ва қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Ўз мухбиримиз



«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Фарғонателеком» вилоят бўлимининг Фарғона шаҳар телекоммуникация тармоғи мутахассислари телефон алоқасини янада яхшилаш имконини берадиган монтаж ишларини якунлади. Бу иш «Ўзбектелеком» компанияси ва Хитойнинг «Хуавей технолоджис» компанияси билан ҳамкорликда амалга ошираётган йирик лойиҳанинг бир қисми ҳисобланади.

Ушбу лойиҳага мувофиқ шаҳардаги 26 АТСда ишга тушган янги станция ўн мингдан зиёд абонентга хизмат кўрсатади. Ишга тушган станциянинг абонент тўлови вақтбайдир. Бу эса телефондан кам фойдаланадиган одамларга маблағ тежаш имконини беради. Бунинг устига қўшимча хизматлар сервис хизматини янада оширади.

Суратларда: «Фарғонателеком» вилоят бўлимининг 26-АТСи фаолиятидан лавҳалар.

М.ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган суратлар

Саноатимиз дарғалари

Навоий вилояти деганда буюк мутафаккир ва улуғ шоир номини шарафлаб келаётган қалби Зарафшондек жўшқин, меҳридарё, улкан бунёдкорлик ишлари билан банд бўлган фидойи инсонлар маскани кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ҳудуди жиҳатидан Қорақалпоғистон Республикасидан кейин иккинчи ўринда турадиган воҳанинг бетакроро табиати, чексиз чўл ва далалари, қимматбаҳо ва рангли металларга тўла конлари мамлакат иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллайди.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР КИРИТИЛГАЧ

Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар рўй берди.

Хорижий инвестициялар жалб қилинган ҳолда янгидан ташкил этилаётган корхоналар учун бутловчи буюмлар, узеллар ва блоклар тайёрлаш жараёни изчиллик билан амалга оширилаяпти. Бунинг учун замонавий технологик базани яратиш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва янги технологияларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилаяпти.

Навоий тоғ-металлургия комбинатида стратегик бойликлар самарадорлигини ошириш бўйича бир мунча ишлар қилинаяпти. 3-гидрометаллургия заводида янги блоклар ишга туширилганлиги олтин, кумуш, мис қазиб олишни кўпайтириш имконини яратди. Хомашёни янчиш, бўлаклаш цехлари реконструкция қилиниб, катта тегирмон фойдаланишга топширилди. Марказий лаборатория қайта жиҳозланиб, замонавий ускуналар ўрнатилди.

Олиб борилган таъмирлаш ишлари натижасида ҳар бир блок соатига 150 тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Заводда аралашмаларни суюқ қуйқалардан ажратиб олишнинг янги технологияси қўлланилаётганлиги маҳсулот миқдорини 15,4 фоиз ва ялпи хомашёни йилига 6 миллион тоннага кўпайтириш имконини бераяпти.

Тармоқни модернизациялашга жиддий аҳамият берилаётганлиги маҳсулот сифатини яхшилаб, уни хорижга экспорт қилишни кўпайтирмоқда. Гранит плиталарни ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилди. «Заргар» масъулияти чекланган жамият жамоаси италиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда йилига 60 минг квадратметр қурилишбоп материаллар тайёрлайдиган ускуналарни олиб келиб ўрнатди. Бунинг натижасида Хатирчидаги Лангар ва Кўксарой конларининг қуввати ортди. Ўзининг чидамлилиги, бир-бирини такрорламаслиги билан ажралиб турадиган рангдор плиткалар истеъмол бозорида харидоргир. Корхонанинг фойдаланишга топширилиши натижасида 60 та янги иш ўрни вужудга келди. Жамият юздан ортиқ истеъмолчилар билан шартнома тузган. Қимматбаҳо плиталар Россия, Қозоғистон, Украина давлатларига жўнатилади.

Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, сармоядорларнинг 550 миллион сўмлик инвестициялари киритилганлиги Навоийда пишиқ ғишт тайёрлашни кўпайтириш билан бирга 100 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Ҳозиргача бундай иншоотлардан 18 таси хусусий сармоядорларга берилиб, 1 миллиард 190 миллион сўмлик инвестиция киритилди.

Ерости заҳираларидан оқилона фойдаланиш, саноат маъданларини ўзлаштириш орқали экспортбоп материалларнинг ўзимизда тайёрланаётганлиги ялпи даромадни кўпайтирди. Мамлакатимиз нуфузини жаҳон миқёсида ошираяпти.

Нурота туманидаги Ғазғон қўрғонида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг тажриба мактаби яратилган. «Ғазғонмармар» корхонасида ишга туширилган тош кесувчи янги линия яхши самара бераяпти. Арзон қурилиш материаллари бунёдкорлар юмушини осонлаштирмоқда. Сифатли маҳсулот туман марказида барпо этилган янги мактабда, Оққула ва Сайиджон Эшон қишлоқларида қад кўтарган илм масканлари, Мустақиллик маҳалласидаги қишлоқ врачлик пункти қурилишида ишлатилди.

Туманда фаолият кўрсатаётган ўқув ишлаб чиқариш марказида тикувчилик, тўқувчилик, каштачилик курслари ташкил этилиб, ёшларга касб-ҳунар ўрнатилаяпти. Макарон цехи, тегирмон, новвойхона, сартарошхона, гўзаллик салони ишлаб турибди.

Олис Қизилтепа туманида маҳаллий тадбиркор Рустам Саломов бошчилик қилаётган «Зилола» хусусий корхонасининг довруғи йилотга тарқалган. Мулкдорнинг ташаббуси билан Ванғози қўрғонида «Зомин-Инвест» корхонаси лизинги асосида янги ёғ заводи қурилиб, ишга туширилди. Янги корхонада 14 минг тонна чигит қайта ишланиб, қадоқланган ўсимлик ёғи, кунжара, шелуха олинади. Тадбиркор асло тиним билмайди. Бир кеча-кундузда 20 тонна донни қайта ишлайдиган заводнинг фойдаланишга топширилиши туфайли олий навли ун ишлаб чиқарила бошланди. Россия, Қозоғистон ва Молдова давлатларидан лизинг асосида келтирилган замонавий ускуналар қўл келяпти.

Маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, ер ости қазилма бойликларини ўзлаштириш соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли тадбирлар воҳада рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун асос бўлаяпти.

И.ИСОМИДДИНОВ

Ислоҳот одимлари

Бугунги кунда ҳаётимизни телефонсиз хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, нафақадаги карияларимиз, ногиронлар, кўп болали оилалар ва тадбиркорлар қулай алоқа воситасига катта эҳтиёж сезадилар. Сўнгги йилларда «Ўзтелеком» акциядорлик компанияси тизимида замонавий алоқа воситаларини жалб қилиш, аҳолига қулай хизматларни ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда.

ҚЎҚОНГА БАЙРАМ СОВҒАСИ

Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғланмаси ходимлари ҳам ўзларига юклатилган масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ўз ишининг усталари ҳисобланган етакчи мутахассислар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмоқдалар. Шу ўринда мукаммал таъмирлаш ишлари муҳандиси Э.Раджанов, М.Халилов, Э.Худойбердиев, линия кабел пайвандчиси А.Холматов, Н.Усмонов кабилар меҳнатини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ҳозирги кунда телефон боғланмаси жами 25 минг 457 абонентга хизмат кўрсатмоқда. Шундан 2505 таси ташкилотлардир. Шаҳарлараро сўзлашув шохобчалари кеча-кундуз мижозлар билан гавжум.

Иноқ жамоа иқтисодиётни юксалтириш ҳақида алоҳида қайғуриб келмоқда. Жумладан, ўтган йили 998 миллион 338 минг сўмлик хизмат кўрсатилиб, режа 113 фоизга бажарилди.

– Аҳолига хизмат доирасини кенгайтириш, сифатини ошириш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда, – дейди боғланма бошлиғи Мухторжон Обидов. — Хусусан, Муқимий қўрғонида замонавий 1024 рақамли электрон АТС қурилиши бошланди. Уни 2006 йилнинг дастлабки кунларидан ишга тушириш режалаштирилган. Бу алоқа воситаси марказий АТС билан шиша толали кабел орқали боғланади. Бундан ташқари, бугунги кун талабига жавоб бера олмай қолган дастгоҳларни янги рақамли электрон АТСларга алмаштириш учун монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда жамоада 238 нафар ходим фаолият юритмоқда. Уларнинг 89 нафари хотин-қизлардир. Ўртача маош 65 минг сўмни ташкил этади. Даромадга қараб буромад, деганларидек ўтган йилда ходимларга 7 миллион 621 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Байрам ва тадбирларда фахрийларга 12 миллион 354 минг сўмлик совғалар тарқатилди.

–Ишчи-хизматчиларимиздан 29 нафари Фарғона «Алоқачи» ва «Чимён» сиҳатгоҳларида корхона ҳисобидан бепул дам олдирилди, – дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Мақсуджон Ибрагимов. –13 нафар ходимларимизнинг фарзандлари эса вилоятдаги сўлим оромгоҳларда бўлиб қайтдилар.

Тармоқ маъмурияти касаба уюшма қўмитаси ишчиларнинг саломатлигига катта эътибор қаратмоқдалар. Зарарли шароитларда ишлаётганлар учун махсус кийим-бош сотиб олинди. Меҳнат шароити оғир ва ноқулай бўлган ҳолларда ишчилар учун қўшимча ҳақ тўланмоқда. Боғланмада спорт мусобақалари мунтазам ўтказилиб турилади. Ўтган йилнинг август ойида вилоят алоқа ходимлари ўртасида «Энг яхши спортчи ва соғлом оила» спартакиадасида Қўқон алоқачилари муваффақиятли қатнашиб, стол тенниси ва волейбол бўйича I-ўринни қўлга киритдилар.

З.БОЛТАБОЕВ,
«Ишонч» мухбири

МЕҲНАТДАН КЕЛДИ БОЙЛИК

Учқўрғон машина-трактор парки ходимлари туманда агросаноат мажмуида эришилаётган ютуқларнинг асосий омили одамларга бўлган ғамхўрликнинг яхшиланганлигида, деб ҳисоблашмоқда. Иш жойларида ўрнатилган кўчма вагонларда мунтазам иссиқ овқат тайёрланмоқда. Ҳар бир ишчи махсус кийим-бош билан таъминланган. Уларнинг соғлиги доимо назорат қилиниб турилибди. Иш ҳақи ўз вақтида бериб борилмоқда.

Корхонада бугунги кунда 210 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси оммавий-сиёсий, маданий тадбирларни ўтказишга, ишловчиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратган. Олинган фойданинг асосий қисми ишловчиларга пай улуши сифатида тарқатилмоқда. Биргина ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида корхона 67 миллион сўм соф фойда олди. Бу ўз навбатида ишчилар моддий манфаатдорлигини ошириш билан бирга 46 кишини санаторий-профилактория да дам олдириш, 20 нафар уруш қатнашчиларини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш, кам даромадли оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, оммавий-спорт тадбирларини кенгайтириш имконини бермоқда.

С.АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

«Халқ соғлиғи — юрт бойлиги» деган мақол бежиз айтилмаган. Шу боис юртимизда бир бирининг узвий давоми сифатида номланган йилларда ҳамда биз мамнуният ила кузатиб қолган 2005 йилда ҳам асосий эътибор аввало халқимиз саломатлиги, оналар ва болаларнинг ҳар томонлама муҳофазаси, аёллар, оилалар манфаатлари, кексаларни қадрлаш, жамият негизи бўлмиш маҳаллаларнинг ободлигига йўналтирилди. Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили қабул қилиниб келинаётган Давлат дастурлари ва улар асосида амалга оширилаётган ишлар фикримиз далилидир.

ЭЗГУ ИШГА

Бунда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ҳам ўз ўрни бор. Ушбу нуфузли жамоат ташкилоти бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ўз вазифаларини тўлақонли амалга ошириш учун давлат органлари, иш берувчилар, нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйди. Натижада аҳолининг турли табақаларига манзилли ёрдам кўрсатиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш каби долзарб масалаларни жамоа келишувлари, жамоа шартномалари орқали амалга ошириб келинмоқда.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Тармоқ ходимларига оид барча масалалар ижтимоий шерикчилик асосида Келишув ва жамоа шартномалари орқали ҳал этиб келинаётир.

Масалан, 2005 йилда 2071 та жамоа шартномалари тузилиб, 2261 та бошланғич касаба уюшма ташкилотига нисбатан тадбиқ этилди. Келишувлар, жамоа шартномаларида кўрсатилган имтиёзлар тармоқ ходимларининг турмуш даражасини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий кафолотларни таъминлашни белгилаши билан аҳамиятлидир. Касаба уюшма қўмиталари ва вилоят кенгашлари Вакилликлари меъёрий ҳужжатларни тузишда масъулиятни ҳис этган ҳолда кўпгина имтиёз ва қулайликлар киритиб, хайрли ишларни амалга оширдилар.

Таъкидлаш лозим, тизимда ишлаётган ходимларнинг 70 фоизга яқини аёллардир. Шу боис уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш бизнинг соҳада энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада амалга ошираётган ишларимизни янада кучайтиришда Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига суянган ҳолда фаолият юритаяпмиз. Чунки, ушбу Фармон хотин-қизларимизнинг орзу-интилишлари билан уйғун бўлиб, уларнинг жамоатчилик ва жамиятимизнинг турли соҳаларидаги фаолиятларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда Марказий кенгаш ташаббуси билан «Соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган аёлларнинг соғлиғини ва меҳнатини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини, оиладаги, жамиятдаги ролини оширишда касаба уюшма ташкилотларининг вазифаларини такомиллаштириш» мавзуида ташкил этилган Республика семинарини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман), Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият ва маърифат Маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ҳамда талабалар иштирок этиб, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб, атрофлича фикр алмашдилар.

Бугунги кунда касаба уюшмалари жамоа шартномаларига аёлларнинг меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналар ва ҳомиладор аёллар учун ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар беришни киритиш, қисман ҳақ тўланадиган таътилларни боласи уч ёшга тўлгунга қадар узайтириш каби имтиёзлар киритилишига эришмоқдалар. Жамоа келишуви ва шартномалари орқали аёлларнинг иш кунларини қисқартириш ёки 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда ойда бир кун дам олиш куни, йиллик меҳнат таътилларига қўшимча уч кун қўшиб берилиши каби ижтимоий масалалар ҳал этилиши орқали республика бўйича «Сиҳат-саломатлик йили» доирасида эътиборли натижаларга эришилди. Жумладан, 337 нафар аёлга туғишгача ва туғишдан кейин ҳақ тўланадиган таътиллар куни узайтирилди ва сарфланган маблағ миқдори 4 миллион 373 минг сўмни ташкил этди. 2697 нафар кўп болали (4 ва ундан ортиқ) аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди. 2 ёшдан 3 ёшга қадар фарзандлари бўлган 1087 нафар оналарга нафақалар тўланди. Тармоқ корхона ва ташкилотларида меҳнат қилаётган 1178 нафар кам қонли, тиббий ёрдамга муҳтож аёлларнинг жойлардаги тиббиёт муассасаларида бепул даволаниши йўлга қўйилди. Ушбу мақсадларга 6 миллион 444 минг сўм сарфланди. Шунингдек, соҳа ходимларининг 944 нафар фарзандларига 3,5 миллион сўмлик ўқув қуроллари ва формалари олиб берилди. Кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандлари учун

Туҳфа

БУ БОҒЛАР бир боғлар бўлади ҳали

Ширин шаҳри аҳолиси ўтган йил поёнида ҳомийларнинг муносиб туҳфасидан баҳраманд бўлдилар. Янги йил арафасида 120 ўринга эга бўлган замонавий шифохона ҳомийлар кўмагида қайта таъмирланиб, ишга туширилди.

Саломатлик бебаҳо бойлик. Нурчилар шаҳрида айнан шу соҳадаги хизматда ноқулайликлар бор эди. Айниқса, шарти кетиб, парти қолган шифохонадан кўнгил тўлмаётганди. Давлат Бекмуродов раҳбарлигидаги «Давр» фирмаси бу масъулиятли юмушни ўз зиммасига олди. Қисқа фурсатларда 150 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Саломатлик маскани замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Айни чоғда алоҳида туғруқхона бўлими, шошилинч тиббий ёрдам, реанимация, интенсив терапия ва бошқа бўлимлар беморлар дардига шифо бағишлаш, улар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

– Янги шифохона халқимизга муносиб туҳфа бўлди, – дейди Ширин шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Ботир Холбеков. – Дарддан фориғ бўлиш учун 50-60 чақирим йўл босишга ҳожат қолмади.

Дарҳақиқат, Ширин шифохонаси нафақат ҳудуд, балки Ховос ва Боёвут туманлари аҳолисига ҳам беминнат хизмат кўрсатиб келаяпти. Айни пайтда даволаниш маскани атрофи ободонлаштирилиб, боғ-роғлар барпо этилаяпти.

ЁШЛАР КУТГАН КОРХОНА

Янги йил арафасида Оқолтин тумани Сардоба кўрғонида чигитни қайта ишлайдиган янги мини завод барпо этилди. Германия технологияси асосида жиҳозланган корхона атиги беш ойда қурилиб, ишга туширилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, янги корхона ҳудуд деҳқонлари қатор муаммоларини ҳал этаяпти. Бир кунда 80 тонна чигит қайта ишланиб, фермерларга узлуксиз ёғ, шрот, шелуха маҳсулотлари етказиб берилаётир. Энг муҳими мини завод хомашёни олисдан келтириш ташвишидан халос этилган. Чигит Оқолтин пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятидан олиниб, тайёр маҳсулотга айланади. Мавсумда 11 минг тонна чигитни ана шу корхона етказиб беришни ўз гарданига олган. Биргина хомашёни Гулистон ёғ заводига келтиришга кетадиган бир неча миллионлик харажат ёнга қолаяпти. Фермерларнинг бу борадаги югуриб-елиши, қийинчиликлари барҳам топди.

— Қишлоғимизда «Бах — оқолтин» мини заводи ишга туширилиши мушкулимизни осон қилди, — дейди иш бошқарувчи Жўракул Кўбаев. — Эндиликда оворагарчиликларсиз дала ишчиларимизни ўз вақтида ёғ ва ем билан таъминлаяпмиз. Илгаригидек асаббузарлик ҳам, ортиқча сарф-харажат ҳам йўқ. Афзалликдан беҳад мамнунмиз.

Корхона қўрғондаги иш ахтараётган 61 нафар кишини иш билан таъминлади. Ҳозирча ҳар бир ходим ўртача ойлик маоши 70 минг сўмданга тўғри келаяпти. Корхона маъмурияти ходимларга шарт-шароит яратиш пайида бўлишаяпти. Фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ишчи-хизматчилар учун турар-жой биноси барпо этишга киришилган. 32 оилага мўлжалланган кўп қаватли турар-жой биноси қурилиши ҳам тугай деб қолди. Маъмурий бино, 6 гектарлик боғзорга тамал тоши қўйилган. Янги йилда ҳам бунёдкорлик ишлари тўхтатилмайди. Ёғни қадоқлаш, совун ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилса яна 22 та иш ўрни пайдо бўлади.

Ҳудуддаги Усмон Носир, Андижон, Фарғона, С. Сиддиқов номли фермер хўжаликлари фермерлари учун ҳам алоҳида имтиёзлар бор. Манзили олис мулкдорлар Фарғона ва Бўстон қўрғонларида ташкил этилган шаҳобчалардан ёғ ва қопланган ем маҳсулотларини олиш имкониятига эга.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Касаба уюшма спорти

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ БИЛАН

Якунланган Сиҳат-саломатлик йилида мамлакатимизда катта ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳада, хусусан, соғлиқни сақлаш, таълим ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлган дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурига мувофиқ ўтган йили 55 та янги ўқув муассасалари қуриб фойдаланишга топширилди, бир қанча мактаблар капитал реконструкция қилинди ёки таъмирдан чиқарилди. Бу ишларнинг ҳаммаси инсон омилига бўлган эътибордан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, спортчиларимиз ҳам халқаро майдонларда мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Юртимизда кўплаб йирик мусобақалар зўр муваффақият билан ўтказилди. Эркин кураш бўйича жаҳон кубоги босқичи, дзюдо, оғир атлетика, армрестлинг бўйича Осиё чемпионатига гўзал пойтахтимиз мезбонлик қилди.

Ўзбекнинг азалий қадриятларидан саналмиш кураш бўйича бешинчи жаҳон чемпионатида дунёнинг 77 мамлакатидан полвонлар ғолиблик учун гиламга тушдилар. Теннис бўйича аёллар ўртасидаги «Тошкент опен», бадиий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали» жаҳон кубоги босқичи, синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнирларининг Тошкентда ўтганлиги ёшларимизнинг ушбу спорт турларига бўлган муҳаббатларини жўш урдириб юборди. Дзюдо бўйича биринчи марта Ўзбекистонда бўлиб ўтган қитъа чемпионатида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев мутлоқ вазнда Осиё чемпиони бўлди. Профессионал рингларда жанг олиб бораётган боксчиларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Темур Иброҳимов, Руслан Чагаев, Фарҳод Бакиров, Қувончбой Тойғонбоевлар ҳам яхши натижаларни қўлга киритдилар.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мустақилликдан буён ўтган давр мобайнида спортчиларимиз қишки ва ёзги Олимпиада ўйинларида 7 та олтин, 5 та кумуш, 6 та бронза медалларини қўлга киритган бўлса, жаҳон ва қитъа чемпионатларида, Осиё ўйинларида 396 та олтин, 391 та кумуш, 536 та бронза медаллар соҳибига айланишди. Албатта, бу улкан ютуқларда Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти вакилларининг ҳам катта ҳиссаси борлиги келгусидаги муҳим вазифаларни муваффақият билан адо этиш учун катта куч бағишлайди.

Бугун касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти аъзолари сони салкам бир ярим миллион кишига етди. Меҳнаткашлар орасида оммавийликка эришиш мақсадида 5863 та жисмоний тарбия жамоаси ва спорт клуби фаолият кўрсатяпти. Уларда 777 минг нафардан зиёд киши мунтазам шуғулланмоқда. Шунингдек, тизимда 67 та БЎСМ, 18 та олимпия заҳиралари махсус спорт мактаблари бўлиб, уларда 784 нафар мураббий сабоқ беряпти.


Тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари билан ҳамкорликда йил мобайнида оммавийликка йўналтирилган қатор мусобақалар, спартакиадалар ўтказилди. Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари, Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари, Соғлиқни сақлаш ходимлари, Таълим ва фан ходимлари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашлари Республика спартакиадалари барча-барчада чуқур таассурот қолдирди.

Ўтган йилнинг июн ойида Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежи спорт мажмуасида Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда аёллар ўртасида Саломатлик спартакиадаси ташкил этилди. Ноябр ойида эса вилоят касаба уюшмалари жамоалари меҳнаткашлар спартакиадасида иштирок этдилар. Спортнинг 7 тури бўйича ўтган баҳсларда 700 нафардан зиёд аёллар, жами 4 мингдан зиёд меҳнаткашлар қатнашди. Мусобақаларнинг бошланғич босқичида 500 мингдан зиёд аҳоли оммавий тарзда ўзаро беллашдилар. Бу мусобақалар уларнинг саломатликларини тиклаш билан бирга мароқли ҳордиқ чиқаришда муҳим рол ўйнади.

Аёллар спортига бўлган эътибор туфайли қизлар орасидан умидли, ёш истеъдод эгалари етишиб чиқмоқда. Ю.Борзова, С.Ганиева, З.Ганиева, М.Изотова, З.Мухамедшина, З.Маматқулова, О.Шабалина, Г.Эргашева, Р.Алимова, Р.Юнусова, С.Раздевил, А.Прошкина, З.Амирова, Г.Хуббиева, Т.Пўлатова сингари спортчилар кўрсатаётган натижалар фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Янги йил биз учун янги марраларни забт этишимизда, доимий шиоримиз — оммавийлик, соғломлаштириш ва маҳоратни ошириш йўлида муҳим босқич бўлишини истардим. Зеро, мустақил юртимиз келажагини соғлом ва бакувват инсонлар бунёд этади.

Э.ПАРСЕГОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раисининг ўринбосари



ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

Янги йил арафасида давлатимизнинг жанубий сарҳадларини кўриклаётган чегарачилар ҳаётида муҳим янгилик юз берди.

Термиз шаҳридаги ҳарбий қисмнинг офицер ва контракт асосида хизмат қилаётган чегарачилардан бир гуруҳига тантанали равишда янги уйнинг калитлари топширилди. 196 миллион сўм эвазига қуриб битказилган икки қаватли замонавий тураржойда барча қулайликлар мавжуд. Янги уйга жойлашган ҳарбий хизматчилар бундай ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирдилар.

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»НИНГ АЪЛО МАҲСУЛОТИ

Навоий шаҳридаги «Қизилқумцемент» очиқ акционерлик жамияти фақат Навоий вилоятида эмас, балки мамлакатимиздаги йирик корхоналар қаторидан ўрин олган. Бу ерда кейинги йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт салоҳияти ва сифати жаҳон стандартлари даражасига кўтарилди.

- Биз узоқ муддатли инвестиция лойиҳасини амалга оширяпмиз, - дейди корхона бош директори Ражабали Жуманиёзов. - Эскирган ускуналардан воз кечиб, корхонани модернизациялаш йўлига ўтдик. Цехлар реконструкция қилинди. Ишлаб чиқаришда янги-янги имкониятлардан фойдаланилмоқда. Натижада маҳсулот турлари кўпайди, сифати ошди. Ҳозирнинг ўзида оддий, 400 маркали, сульфат бирикмали ва юқори ҳароратда нефть-газ қувурлари оғзини ёпиш учун ишлатиладиган цемент маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

2005 йилдаги энг катта ютуқларимиздан яна бири Сифат менежменти тизимини жорий этиш орқали халқаро миқёсда маҳсулотларимизнинг эътироф этилишидир. Бизнинг корхона вилоятда биринчи бўлиб шу тизимга ўтди. Халқаро ИСО-9001 стандарт сертификатининг берилиши «Қизилқумцемент»га ўз маҳсулотини дунёнинг хоҳлаган нуқтасида сотиш имкониятини беради. Бу эса экспорт имкониятларини янада оширади.

Корхонада бу йил 2,5 миллион тоннадан ортиқ цемент маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилга нисбатан 182 минг тонна кўп. Маҳсулотнинг учдан бир қисми хорижга экспорт қилиняпти.

(ЎзА)

Ижтимоий ҳимоя

МЕҲР ЁҚҚАН ЧИРОҚ

Меҳр-саховатга ташна, кўнгли ярим, тиббий ёрдамга муҳтож кишиларга мурувват кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, дардига малҳам бўлиш каби савобли ишлар миллий қадриятларимизнинг асоси хисобланади. Шу боис мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб бозор иқтисодиётига асосланган жамият ривожининг устувор тамойилларидан бири сифатида кучли ижтимоий ҳимоя тизими жорий этилди.

Ҳукуматимиз ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва тиббий кўмакка муҳтож кишиларнинг ижтимоий таъминоти ва яшаш шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш даврида аҳолини, шу жумладан ногиронларни манзилли ва аниқ йўналтирилган мақсадли ҳимоялаш тизими барпо этилди. Унга кўра ана шундай кишиларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида кўмаклашиш, уларга мунтазам моддий-маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари ҳаётга изчил татбиқ этилаётир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 170 та тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари фаолият юритаяпти. Улар ҳар йили 70 мингга яқин ногиронга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишмоқда. Қарийб 740 ўринга мўлжалланган миллий реабилитация марказларида эса ҳар йили 13 мингдан кўпроқ ногиронлар саломатликларини яхшиламоқдалар.

Сиҳат-саломатлик борасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури бўйича олиб борилган эзгуликлар — ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш натижасида улар сони қарийб 30 фоизга камайгани қувончли ҳолдир.

Жумладан, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат Дастури доирасида Самарқанд шаҳридаги «Саховат» уйида 207 нафар, Ургут тумани «Мурувват» уйида яшовчи 415 нафар руҳий касалликка чалинган, 50 ўринга мўлжалланган вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказида соғликларини тиклаётган ногиронларга кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий хизматлар савиясини оширишга эришилди. Муассасаларни замон талаблари даражасида таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 185,7 миллион сўмлик иш бажарилди. «Саховат» уйига 1 миллион 723 минг сўмлик, «Мурувват» уйига эса 3 миллион 482 минг сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни соғломлаштириш мақсадида турли сиҳатгоҳларга 2843 та йўлланма ажратилди. Зарур реабилитация техник воситалари учун давлат бюджети ҳисобидан 41,1 миллион сўм сарфланган бўлса, шунга қўшимча яна 29,6 миллион сўм ҳомийлик маблағлари йўналтирилди.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож 1685 нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронларга туман, шаҳар ҳокимлари қарори билан бириктирилган оталиқ ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан 139,1 миллион сўмлик турли хил моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги байрами муносабати билан ҳамда улуғ айём — Рамазон ҳайити кунларида ҳам турли хил мурувватлар кўрсатилди. Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан эса муборак Рамазон ойида 31 нафар вояга етмаган ногирон бола махсус аравачалар билан таъминланди.

Т.ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири



Янги йил арафасида Наманганда фольклор қўшиқлари танлови бўлиб ўтди. Бадиий ҳаваскорлик жамоалари ижросида халқ куй ва қўшиқлари янгради.

ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИ ТАНЛОВИ

Кўрик-танлов фольклор халқ қалбида яшаётгани ва ўзбек қўшиқчилик маданиятининг асосини ташкил этишини кўрсатди.

Танловда Марказий маданият уйи фольклор ансамбли, Кўрлар жамияти клуби ва «Назокат» маданият уйи жамоалари ғолиб чиқди. «Тўқимачилар» маданият саройи хонандаси М.Муҳаммаджонова ва Марказий маданият уйи актрисаси Ё.Раҳматуллаева энг яхши ижрочилар деб топилди.

ФАРЗАНДЛАР УЧУН

Янги йил арафасида Қуйичирчиқ туманидаги «Кўрғонча» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига газ қувури тортилиб, юзга яқин хонадонда «зангори олов» порлай бошлади.

- Туманда ўн саккиз мингдан ортиқ истеъмолчига хизмат кўрсатамиз, - дейди «Қуйичирчиқтумангаз» филиали раҳбари Гулзот Қабулова. - Мазкур қишлоқда 70 миллион сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бу борадаги ишлар тумандаги «Улуғбек» ширкат хўжалигида ҳам давом этяпти. Бу ерда 600 метр қувур тортилиб, газ тақсимлаш пункти қурилди. Ўттизга яқин хонадон газ билан таъминланди.

Жорий йилнинг қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Мавжуд 245 та газ тақсимлаш нуқталари тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ҲАМИША ШАЙМИЗ

Тошкент, Бухоро, Фарғона ва Қашқадарё вилоят тармоқ касаба уюшмаси маблағларидан талабалик стипендиялари ўрнатилди. 9 нафар ёш оилага 1 миллион 20 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 17 нафар байналмилал жангчига 1,5 миллион сўмлик парҳез таомлари, 952 нафар ишламайдиган пенсионерга 7,5 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, байналмилал жангчилар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан 2808 нафарига 22 миллион 921 минг сўмлик дори-дармон харажатлари қопланди.

Касаба уюшмалари фаолиятининг яна бир йўналишларидан бири меҳнат муҳофазасидир. Тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан тиббиёт муассасаларида ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, муҳофаза этиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш, меҳнат муҳофазаси ҳақидаги қонунларга амал қилиш билан боғлиқ қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тармоқ муассасаларида ҳар йили жамоа шартномаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш битимлари асосида ходимлар иш шароитини яхшилаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар амалга ошириляпти. Тиббиёт муассасаларида ҳаво алмаштириш системаларини ва техник асбобларни қайта таъмирлаш, иш жойларидаги ёруғлик, чангланиш ва заҳарланиш, газлар кўрсаткичларини белгиланган санитария меъёрларига келтириш, ходимларни санитария-маиший хоналари ва ускуналари билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар шулар жумласидандир.

Меҳнат кишисининг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясида иш берувчиларнинг ҳуқуқий савод-хонлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, айрим тиббиёт муассасалари раҳбарларининг меҳнат қонунларини яхши билмасликлари натижасида ходимлар ҳақ-ҳуқуқини чеклаш ҳоллари учрамоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятининг Қамаши туман марказий шифохонаси ходими А. Азимов Меҳнат кодексининг 92-модда-сига риоя қилинмаган ҳолда 1,0 ставкадан 0,5 ставкага ишга ўтказилган. Бунда ходимнинг розилиги олинмаган. Ушбу масала тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши аралашуви билан ижобий ҳал этилиб, ходимнинг аввалги иш ставкаси тикланди.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 4-оилавий поликлиника иш берувчиси лаборант бўлиб ишловчи К. Меркулова билан бўш иш ўрни бўлсада, уч ойга муддатли меҳнат шартномаси тузган. Марказий кенгаш аралашуви билан ушбу ходимнинг муддатли меҳнат шартномаси бекор қилиниб, унинг номуайян муддатга тузилишига эришилди.

Ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилиниши юзасидан жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоятлар бўйича 30 киши ишга тикланиб, уларга мажбуран бекор юрган кунлари учун 1 миллион 370 минг сўмдан зиёд моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.


Бугунги бозор иқтисодиёти жараёнида бошқа соҳаларда бўлганидек, тиббиёт соҳасида ҳам нодавлат ташкилотлари сони ортиб бормоқда. Статистик ҳисоботлар бўйича 2005 йил бошида нодавлат ташкилотларнинг сони 356 та бўлган бўлса, улардан 246 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар орқали жами 10229 нафар ходимлар манфаати қамраб олинди.

Соҳа ходимлари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масаласи ҳам доимий эътибордадир. Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийлар, профилакторийларда меҳнаткашларнинг дам олиб, даволанишлари учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, 2005 йилнинг 9 ойида 2 минг нафардан зиёд тиббиёт ходими санаторий, дам олиш уйларида соғломлаштирилиб, ушбу мақсадга 350 миллион сўм атрофида маблағ сарфланди. Ёз мавсуми даврида энг баҳаво ва сўлим масканлардаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ўғил-қизлар ихтиёрида бўлади. Жорий йилда соҳа ходимларининг 8 мингга яқин фарзандлари соғломлаштирилиб, бу йўналишда 167 миллион 800 минг сўм сарфланди.

Шунингдек, соҳа ходимларини маънавий-маърифий юксалтириш, спортга кенг жалб этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, барча тиббиёт муассасаларининг жамоа шартномаларига маданий ва соғломлаштириш тадбирлари киритилиб, уларнинг амалда бажарилиши таъминланмоқда. Соҳа ходимлари ва талабалар ўртасида спортнинг бир неча тури бўйича ўтказилаётган тармоқ спартакиадалари, спорт мусобақалари, миллий спорт ўйинлари шулар жумласидандир.

Юқорида қайд этилган ишлар билан бирга ҳали олдимизда кўплаб эзгу мақсад ва вазифалар мавжуд. 2006 йил Президентимиз ташаббуси билан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши аввало халқимизга, қолаверса шифокорларга бўлган юксак эътибор ва меҳрибонлик намунасидир. Бу касаба уюшмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Озода МУҲИТДИНОВА,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раиси



КИМ ҚАНДАЙ НИШОНЛАЙДИ?

Янги йил байрами бутун дунёда шоду хуррамлик билан нишонланади. Мисол учун, қадим-қадимда португаллар янги йил арафасида совға сифатида «Қироллик пироги»ни ҳадя этишган. Унинг ичига фақат бир дона медалча ёки бирор бир шакл солиб пиширилган. Уни ейиш шарт эмас, бу фақат «уйингда доимо тинчлик бўлсин!» деган маънони билдирар экан.

Буюк Британияда эса Қорбобога буюртма беришади. Ҳар бир оила орзуниятлари битилган мактуб ёзиб, уни каминга ташлайди. Уларнинг ишонишларича, камин мўрисидан чиқаётган тутун мактубни керакли жойга етказар эмиш.

Германияда бўлса, бу – оилавий байрам. Янги йил кечаси оиланинг барча аъзолари дастурхон атрофида бўлишлари шарт. Бу куни улар орасида совға алмашиш маросими бўлиб ўтади. Бу одат немисларда «Бешерунг» деб аталади.

Японларда янги кириб келаётган йил қайси ҳайвонга тегишли бўлса, ўша ҳайвон тасвири туширилган открыткалар ҳадя этиш одат тусига кирган. Шунингдек, ўйинчоқлар ва совға-саломлар ҳам тортиқ қилинган.

Агарда кимда-ким янги йил арафасида Хитойга бориб қолгудек бўлса, у ёруғлик дарахтини кўриши мумкин. Бу бизнинг арчага ўхшаш дарахт. У шарқона усулда, ёруғ ва нафис чироқлар, маржондек тизилган гуллар билан безатилади.

Хитой болалари эса уйларининг деворига ўз пайпоқларини осиб қўйишади. Болалар уларга Дун Че Лао Рен (Қорбобо) совға солиб кетади, деб ўйлашади.

Францияда хоҳлаган нарсани совға қилиш мумкин. Шундай бўлса-да, баъзи бир қатъий қоидалар мавжуд. Масалан, аёлларга фақат ўз турмуш ўртоқлари атир совға қилиши мумкин. Атирни бошқа эркакдан олиш эса маъқул эмас.

Гренландияда эса ғоят кутилмаган совғалар тортиқ қилинади. Бу совғалар орасида муздан қирқиб ясалган оқ айиқ ёки морж шакли бўлиши мумкин.

Ирландияда янги йилда барча эшиклар очилади. Ҳар бир киши хоҳлаган уйига кириши мумкин. Меҳмонни вино билан сийлашади. Шу билан бирга шу уй ва бутун дунё тинчлиги учун, деб яхши тилаклар билдирилади.

Кубада эса янги йил ўзгача кутиб олинади. Улар барча идишларни сувга тўлдириб, ярим тунда уни кўчага сепиб юборишади.

И.АКБАРОВ

Эссе

Тошкентдан карийб 900 километр йўл босиб шундоқ қияликдан пастга тушаверишдаги «Карим пўссиқ» деб ёзилган лавхага кўзингиз тушдими, бас, Тўрткўл ИПХ постига етиб келдик, деяверинг. 30-40 метрлар чамаси нарида чап томондаги одмигина чойхона эса Зарипбой Нуримбетовга тегишли. Унинг Туямўйин-Нукус сув тармоғида ишлаган отаси узоқ йиллар аввал бинони кимошди савдосида ютиб олган. Ота бундан икки-уч йил бурун автомобил халокатида вафот этди. Ҳозир бу ерда Зарипбойнинг укаси ишлайди. Сархил, ҳиди йўловчилар димоғини китиклайдиган балиқ пиширади, аламат. Бу ерда балиқ деганинг сероб. Атрофингдаги ёввойи табиат, чўлнинг тоза ва қуруқ ҳавоси таъсиридами бу ерда ейилган ажойиб таом, бир пиёла чой устида, қўноқлар билан учрашишга муҳтож мезбонлар билан қурилган қисқа фурсатли ширин суҳбат бир умр хотирангда муҳрланиб қолади.

ТЎРТКЎЛ ТОМОНЛАРДА

Омон бўл, Зарипбой

Ким билади, Беруний кўпригидан ўтаётганда машина тагини кўприк қиррасига уриб олмаганимизда, мотор тарафдан тарақлаган нохуш овоз эшитила бошламаганида эди, эҳтимол биз бу манзилга қўниб ўтмаган бўлармидик. Зарипбой деганимиз уқувлигина йигит экан. Кеч киргани сабаб машинамиз касалини – ҳимоя қобиғи моторга тегиб қолганини бир зумда аниқлаб, тузатиб берди. Чойхона ичига киравериши билан унинг ўнг оёғи оқсоқланаётгани яққол билиниб қолди.

Қайсидир адиб ҳар бир инсон ёзилмаган бутун бошли асар деганида тамомила ҳақ. Эндигина 35 баҳорни қаршилаган бу йигитнинг бошига ҳам унчамунча кўргуликлар соя ташлабди. Ўтган йилнинг июнида бахтсиз ҳодиса туфайли ўнг оёғининг сон томири узилиб, Урганч, Тошкент шифохоналарида тўрт марта операция қилинибди. Бироқ, уланган томир ҳадеб узилиб кетаверибди. Шу орада узоқ югур-югурдан сўнг вақтинчалик II гуруҳ ногиронлигига ўтказишибди. Яқинда бўлган ТМЭК текширувида эса III гуруҳга туширишибди. Бу ҳам етмаганидек, ўзи ишлаётган Туямўйин-Нукус сув тармоғидагилар уни нафақага чиққанлиги муносабати билан ишдан бўшатишибди. Сув тармоғи участка бошлиғи Каримжонга қилган мурожаати эса самарасиз кетибди.

Дунёда диёнат, меҳр-оқибат деган гаплар бор. Айни кучга тўлган, қирчиллама ёшида бундай аянчли аҳволга тушишнинг ўзи кулфат. Лекин уни шу аҳволда – жамоадан, севимли иш жойидан маҳрум қилиш, ҳимоясиз, ёлғиз қолдириш...

Зарипбой оғир уф тортади. Наҳот, ногирон бўлганлар ишдан маҳрум этилса. Озгина нафақа билан унга кўз тикиб турган уч нафар фарзандини қандай боқади. Хотини бирон жойда ишламаса...

Зарипбойни ўз дарди-ҳаёли билан ёлғиз қодириб йўлга отланамиз. Ҳали олдиндаги Бухорогача бўлган 300 километрдан ошиқ масофани кечаси босиб ўтишимиз керак.

Йўл давомида машина ойнасидан бепоён қумликларга ястанган зерикарли чўл манзараларига, ойдинда гоҳ якка-ёлғиз, гоҳ гуж бўлиб қорайиб кўринган саксовул, юлғунларга ихтиёрсиз тикиламан. Фақат осмонда чарақлаб турган юлдузларга кўзим тушгандагина вужудимда ажиб енгиллик сезаман. Осмон фонарлари. Олам мўъжизаларга тўла. Китобда ўқиган сатрлар ёдимга тушади: «Яхшиям, олдинда шуълалар бор!»

Биз уни ўзимизча тушунамиз: яхшиям оламда ўзгалар ташвиши билан куйиб-пишиб яшаётган, лоқайдликдан, бепарволикдан йироқ-уйғоқ одамлар бор. Каттақўрғонлик Олим Жаводов, наманганлик Усмонхон Салоҳиддинов, берунийлик Мустафо Йўлдошевлар шундайлар сирасидан.

Орадан уч ҳафта ўтиб яна Тўрткўл томонларга отландик. Очиғи, бу гал ўша – қондошликми, оғаликми, ҳуллас, бизга тинчлик бермай қўйган безовта туйғулар оғушида Зарипбойни деб бордик.

Қорақалпоғистон Республикаси сув тармоқлари идораси раҳбари Анатолий Игнатьевич Якушин Зарипбой билан юзма-юз мулоқот чоғида тўғридан-тўғри ўзига мурожаат қилавермагани учун бироз ҳафа бўлди, қўл остидаги баъзи ходимларнинг бепарволигидан, ҳақиқий аҳволдан бехабар қолганидан койинди. Республика ижтимоий таъминот вазирлигидагилар ҳам унга қонуний асосда ёрдам беришга ваъда беришди. Урганч шифохонасида эса бўлолмадик. Биламиз, улар ҳам Зарипбойни ранжитиб қўйишмайди. Хуллас, ўша кунги Нукусдан чўнтагидаги сўнгги икки минг сўмга ишониб уйига учиб кетаётган Зарипбойнинг шод-хуррам чеҳраси, миннатдор нигоҳлари.. у хотинига, ҳамқишлоқларига хушхабарни етказиш, қувончини улашиш учун шошаяпти.

Омон бўл, Зарипбой!

Ялғош САРИЕВ,
Нукус-Тошкент







Яхшилик қилишга шошилинг!

Мурувват бирла эҳсонни шиор эт,
Ҳамиша яхшиликни ихтиёр эт.

Собир САЙҚАЛИ

ПОКИЗА ҚАЛБНИНГ ШАРАФЛИ СИФАТЛАРИ

Мустақиллик шарофати билан ҳар бир янги йил қандай номланишини орзиқиб кутиш анъанага айланиб қолди. Ўн йилдирки, улкан ижтимоий масалаларни ижобий ҳал этишга қаратилган, бир-бирини тақозо этувчи, мантиқий боғлиқ, изчил, кенг қамровли, эзгу мақсадга йўғрилган, қалбларга йўл топадиган, муаммолар калитини танлаб, ҳаёт мазмунини бойитувчи, жамиятни янада гўзаллаштириб, ҳаёт тарозуси каби инсон фаолиятини бошқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилувчи номлар билан сайқал топмоқда йилимиз.

Уларнинг барчаси ўзининг чуқур инсоний маъно ва фалсафаси, ижтимоий йўналиши билан узвий боғлиқ бўлиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий равнақи, изчиллик билан юксалишида янгидан-янги босқичларга олиб чиқишда, одамлар кўнглини чўққиларга кўтариб, қалбларга қувват ва жон ато этишда илҳом бағишламоқда.

Янги – 2006 йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши ҳам инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш ва улуғлашга бўлган эътиборнинг янги бир зафарли ва қувончли поғонаси бўлди.

Халқнинг оғирини енгил қилиш, унинг меҳрини қозониш, меҳр ва мурувват, олиҳиммат, саховат ва саҳийлик билан қалбларни забт этиш, одамларнинг бир-бирларига марҳаматли бўлишлари барча ютуқларимиз гарови бўлиб қолмоқда.

Ҳомийлик ҳаракати учун бизда барча асос ва имкониятлар мавжуд. У бизнинг азалий миллий қадрият, урф-одат ва расм-русумларимизга мос тушади. Халқимизнинг онги ва тафаккурига сингиб кетган, муқаддас динимиздан чуқур ўрин олган юксак инсоний фазилатлар мужассам унда.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтибдурларки, қиёмат куни, тўрт тоифа одамлар, яъни соҳиби илм олимлар, ҳалол пулларига ҳаж сафарига борганлар, Худо йўлида шаҳид кетганлар ва ҳалол пул топиб одамларга саҳийлик қилган ҳомийлар беҳисоб ва беазоб жаннатнинг эшигига борарканлар. Уларнинг қайси бирлари биринчи бўлиб жаннатга кириш масаласини Оллоҳ Жаброил алайҳиссаломга топширади.

Жаброил алайҳиссалом уларнинг уч нафари билан савол-жавоб ўтказиб:

– Сизлар Худо йўлида шаҳид кетиш, ҳаж қилиш ва саховатли бўлишнинг савоби улуғ мартаба эканлигини қандай билдинглар, - деб сўраганларида уларнинг уччаловлари ҳам "биз олимлардан эшитганмиз" дейдилар.

– Ундай бўлса олимларнинг биринчи бўлиб жаннатга кирмоқлари адолатдандир. Уларнинг ҳурматини бажо тутинглар, алардин олдин жаннатга кирмоқ беодоблик бўлур - деб ҳукм чиқарадилар Жаброил алайҳиссалом.

Аммо олимлар инсоф билан:

– "Худоё, аввал бизларнинг жасадимизни яратганингда бизларнинг ҳеч илмимиз йўқ эрди ва бу илмларни саҳийлар саховатларининг сабабидан таҳсил қилиб эрдимиз... Энди аларнинг оғирларини зойи қилмағил ва саҳийлар жаннатга биздан илгари кирсинлар" - деганларида Худойи таоло айтадики:

– "Эй ризвонлар, жаннатнинг эшигини очингларки, аввал саҳийлар кирсинлар, андин сўнгра олимлар ва алардин кейин бошқалар кирсунлар".

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом яна иккинчи бир мисолда айтадиларки, қиёмат куни бўлғонида мани умматларим гўрларидан ўн хил бўлиб, ҳар бирлари бир суратда туриб Маҳшарга борурлар. Биринчи хиллари шулки, гўрларидан турғонларида қоринлари гўё бир тоғдек катта бўлурки, они ҳаммаси илон ва чаён бирла тўлғондир ва ул вақтда Худойи таоло томонидан нидо келурки:

– "Эй халойиқлар, бу жамоани кўрингларки, булар молларидин закот бермай ва тавба қилмай ўлғонларки, буларнинг жазолари шулдур ва борадурғон жойлари дўзахдир".

Бинобарин, ожиз ва муҳтожларга раҳнамо бўлиш, кекса, етим ва қаровчиси йўқларга ҳимматли ва меҳрибон бўлиш, уларга қаҳр қилмаслик, гадоларни жеркимаслик, молу дунё муҳаббатига эмас, одамлар муҳаббатига сазовор бўлиш энг улуғ ажри савоб иш. Аммо, дунёпарастликни дўст тутишнинг оқибати ҳам хунукдир. Шунингдек, молмулкни санашдан бўшамай, фақат уй-жойларини хашаматлиги-ю, мол-дунёсининг кўплиги билан мағрурланувчи мақтанчоқ молпарастликнинг ҳам охирати ачинарли бўлиши аниқ. Нафси покланган, кўкси илму ҳикматга тўлиқ, ҳалол меҳнати билан мол топувчилар Яратганнинг марҳаматига сазовор бўлиб, улар фазилати улуғ, ишбилармон, тадбиркор, бунёдкор, қўлигул, қалби ҳам, қўли ҳам, йўли ва дили ҳам очиқ, фариштаси улуғ, ҳимматидан камолоти кўриниб турадиган, ожиз ва муҳтожларга раҳнамолик қилиш билан халқнинг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қалбларини равшан қилиб юришга муяссар бўлган эзгу ниятли етук инсонлардир. Улар экан мурувват кўчатлари юзлаб-минглаб кўнгилларни баҳраманд қилади.

Буюк Алишер Навоий дейдиларки, кишилик боғининг ҳосилдор дарахти – бу саҳийлик, у шу дарахтнинг ширин меваси. Одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, шу дарёнинг асл гавҳаридир.

Бундай фазилатли инсонлар зафарининг каромати шундаки, улар кишиларнинг муҳаббатини ўзларига жалб этиб, одамларга яхшиликни ҳамиша ихтиёр этиб, муҳтожлар кўнглини шод айлаб, ўзлари эса янада шараф ва мартабага муяссар бўладилар.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, саховатли ва беғараз ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, унинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамоҳанг бўлиб узвий боғланиб кетиши ҳам айни муддао бўлди.

Ўзларининг жасорати, фидойилиги, қалб ва фикрларининг тиниқлиги билан элга азиз ва мукаррам бўлган шифокорлар касби барча санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир. Уларнинг мўъжизакор санъатининг сирлари беморларга нисбатан бўлган диққат-эътиборларининг кучлилигида, ғамхўрлик ва меҳрибонликларининг беғараз, беморлар билан бўлган суҳбатларининг нақадар шифобахш тасалли беришлигида, очиқ чеҳра билан кўнгилни кўтара билишларида намоён бўлади.

Ёқимли хислат, чиройли сифат, ширин сўз, хушфеъл, табиатнинг поклиги ва қалбни тортиши билан эл ҳурматига сазовор бўлган табобат ходимларининг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурини ҳамжиҳатлик ва якдиллик билан юқори савияда амалга оширишлари учун барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар мавжуддир.

Эркин ҒУЛОМОВ,
Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи

Биласизми?

КЎҲНА ТАҚВИМ

Кадимги Миср ахолиси календар (таквим)дан олти минг йил аввал фойдалана бошлаган. Ўша давр билимдонлари астрономия асосларини билганлар.

Нилнинг тошиш ва қайтиш жадвалини тузганлар, дала ишлари мавсумларини белгилаганлар.

Миср йили ҳам ҳозиргидай 365 кун бўлган. Янги йил 19 июлда, кун чиқиш олдидан уфқда ёрқин Сириус юлдузи кўринганда нишонланган.

Минг йиллар давомида тақвим кўп марта ўзгарган. Фақат 1582 йили энг аниқ тақвим (янги ҳисоб) жорий қилинган.

Бу календарга аста-секин ҳамма мамлакатлар ўтса ҳам, чор Россияси эски ҳисобда қолаверган эди. Янги тақвим бизда фақат 1918 йил февралида жорий қилинди.

АНЪАНА, УРФ-ОДАТЛАР

Янги йил янги кун, янги ҳаёт, янги тонг демакдир. Уни ҳозиргидек шоду хуррамлик билан кутиб олиш одат бўлганига ҳали кўп бўлгани йўқ, бундан 100-150 йил мукаддам руслар биринчи январни ҳеч кандай алохида маросим ва тантана билан нишонламас эдилар.

Қадимда биринчи январ йилнинг Боши деб ҳисобланмаган. Биринчи март, кейинроқ биринчи сентябр йил боши сифатида қабул қилинган эди. 1700 йилда Пётр I Ғарбий Европа намунасида янги календар жорий этди. Унга биноан йил биринчи январдан бошланадиган бўлди.

Янги йилни кутиб олиш, унга атаб дастурхон тузаш, бир-бирини муборакбод этиш илгари фақат шаҳарликлар одати эди. Бизнинг даврамиздагина у ҳамма ёққа ёйилди. Қадимий одатлар йўқолиб, ранг-баранг кийимлар кийиб сайр қилиш, маскарад ўтказиш одат тусига кирди. Ўрта Осиё халқларида янги йил жуда ғалати қаршиланарди. Айниқса, тоғлик тожикларда янги йил боши деб кун ва тун теппа-тенг келадиган 21-22 март кунлари ҳисобланган. Шу кунларда ёрқин халқ байрами – «Наврўз» нишонланган.

Янги йил байрамлари тарихи, айниқса, арманларда қизиқ. Арман урф-одатларида бир эмас, учта янги йил байрами сақланиб қолган. Улардан энг қадимийси «Барекендан» юқоридагидек баҳорги кун ва тун тенг келган пайтда ўтказилган. Кейинчалик йилнинг бошланиши августга кўчирилиб, у «Навасард» деб номланган.

Ниҳоят, яқин ўтган даврда янги йил 1 январдан бошланиб, у «Аманор» деб юритила бошланган.

А.АЛИЕВ
тайёрлади

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Бир куни Бернард Шоу сартарошхонага кирди. Сартарош эзмалиги билан донг чиқарган эди. У Шоуни стулга ўтқазиб улгурмай, оламжаҳон гапни гапириб ташлади. Кейин сўради:

– Сочингизни қандай олай?

– Иложи бўлса гапирмасдан, – деб жавоб берди Шоу.

* * *

Етти яшар Моцарт Франкфурт шаҳрида концерт бераётганида унинг олдига тўрт яшар бола келипти.

– Сен жуда ажойиб чалар экансан. Мен ҳеч қачон бунақа чалолмайман.

– Нега энди? Бир уриниб кўр. Ҳеч нарса чиқмаса, нота ёза бошла.

– Мен... шеър ёзаман.

– Бу ҳам яхши. Яхши шеър ёзиш музика ёзишдан қийин.

– Йўғ-е, шеър ёзиш осон. Сен ҳам ёзиб кўр.

Моцартнинг суҳбатдоши Гёте эди.

* * *

Бир куни Марк Твен бир шаҳарга лекция ўқигани келибди-ю, сартарошхонага кирипти.

– Сиз яқинда келганга ўхшайсиз шаҳримизга?

– Ҳа.

– Омадингиз бор экан. Бугун Марк Твен лекция ўқийди. Борасизми?

– Ҳа, албатта.

– Лекин тик туришингизга тўғри келади, чунки ҳамма билетлар сотиб бўлинган.

– Буни қарангки, у қачон лекция ўқиса, менинг тик туришимга тўғри келади.

* * *

Таниқли француз артисти Фернандельдан бир жувон дастхат сўраб, бир парча қоғоз узатди. Фернандель дастхат берди-да, жувондан сўради:

– Дастхат йиғар экансиз, наҳотки бунинг учун махсус дафтарингиз йўқ?

– Дафтарим бор, – деб жавоб берипти жувон. – Аммо у уйда туради. Уйга борганда йиққан дастхатларнинг ҳаммасини унга кўчириб қўяман.

* * *

Эрнест Хемингуэй ашаддий овчи эди. Бир куни у Африкадаги саргузаштларини гапириб бераётганида, тингловчилардан бири сўраб қолипти:

– Жунглида агар одам қўлида ёниб турган машъала олиб юрса, биронта ҳайвон унга даф қилмайди дейишади. Шу ростми?

– Бу машъалани қандай тезликда олиб юришга боғлиқ, – деб жавоб берипти адиб.

* * *



А.ҲАКИМОВ чизган расм

— Чорсуга олиб бориб қўй ўғлим?
— Олиб бориб қўяман, янги йил совғасидан берасизда қорбобо.

Джек Лондон ваъда қилинган қўлёзмани вақтида ноширга жўнатмабди. Бесабр ношир телеграмма йўллапти: "Жаноб Лондон! Яқин йигирма тўрт соат ичида ҳикоянгиз қўлимга етиб келмаса, мен ўз қўлларим билан сизни ваъдангизни бажаришга мажбур қиламан. Огоҳлантириб қўяй – мен ўз ваъдамнинг устидан чиқаман".

Джек Лондон жавоб юборипти: "Афандим, агар фақат қўлларим билан иш юритадиган бўлсам, унда мен ҳам ҳамиша сўзимнинг устидан чиққан бўлардим".

* * *

Бир одам Бернард Шоудан сўрапти:

– Отангиз қашоқ бичиқчи бўлган, шекилли?

– Ҳа, шунақа.

– Унда нега сизни ҳам бичиқчи қилмади?

Бернард Шоу жилмайиб сўрапти:

– Сизнинг отангиз ким бўлган?

– Менинг отамми? Менинг отам, афандим, яхши тарбия кўрган олижаноб одам бўлган, – дебди бояги одам ифтихор билан.

– Унда нега у сизни ҳам яхши тарбия кўрган олижаноб одам қилмади?

* * *

Америкалик бир миллионер машҳур инглиз рассоми Тернердан суврат сотиб олипти. Аммо юз фунт стерлингга олинган бу сувратни Тернер бор-йўғи икки соатда ишлаганини билиб, миллионер уни судга берипти.

Судя рассомдан сўрапти:

– Қани, айтчи, бу сувратни қанча вақт ичида ишладинг?

– Бутун умрим-у, яна икки соатда, – деб жавоб берипти Тернер.

Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича Вакиллиги жамоаси Хоразм вилоят Ички ишлар бошқармаси қўриқлаш бўлими касаба уюшма қўмитаси раиси Бекберган Рўзметовга укаси

Машарип АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18646 Буюртма Г— 316

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 19.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.